



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-ракам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

МУНДАРИЖА

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Саидахрор Саидахмедович Ғуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Учинчи Ренессансни шакллантириш таълим сифатига, таълим сифати педагогинг масъулиятига боғлиқ	5
Зокир Сайфиддинович Артиков, Дамир Улугбекович Хакимов Аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини таъминловчи неъматлар, уларнинг турлари, таснифи ва баҳолаш йўллари	10
Зариф Юсупович Аминов Инсон хавфсизлиги тушунчаси ва унинг турлари	16
Шокиржон Шарипжонович Банноев Маҳаллий озиқ-овқат бозорининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва вазифалари	20
Shahloxon Shavkatovna Sharifova Halol ovqatlanishga doir asosiy kategoriyalar mohiyati va zarurati	25
Акмал Алимжонович Салимов Мамлакат тараққиётини таъминлаш ва уни самарали бошқаришда инсон капиталининг ўрни	31
Ziyobidin Shaminovich Suvonov, Mavluda Shuxratjon qizi Shuxratjonova Halol oziq-ovqat sanoati va uni O‘zbekistonda rivojlantirish istiqbollari	37
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Нозир Алиевич Ибрагимов Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш – тараққиёт гарови	42
Шухрат Маъруфжонович Исломов, Нодира Абдуллаевна Эшқувватова Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат ресурсларининг фаол бандлик сиёсати	46
Sardorbek Isroiljon o‘g‘li Qodirov O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning rivojlanish tahlili	51
Зарина Ҳусановна Рафиева Рақамли технологиялар орқали банк-молия хизматлари самарадорлигини ошириш йўллари	57
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Рўзибой Нормухоматов, Акрам Джуракулович Ғафуров Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашнинг илмий асосларини билиш – нобудгарчиликни камайтиришнинг муҳим омилidir	63
Умар Худайбердиев, Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Ўзбекистонда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва унинг муаммолари	65
Раънохон Махмудовна Каримжанова Наманган вилоятида қандолат маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденциялари	68
Музаффар Мусаевич Усмонов К вопросам развития кооперации в плодоовощном секторе Узбекистана	72

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси. 2022 йил 21 декабрь. – 1-3 бетлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. // “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил 7 июль. 136-сон. – 2 бет.
3. Ғуломов Саидахор. Ақл капиталини ривожлантириш Учинчи Ренессанснинг энг устувор вазибаларидан бири саналади. // “Халқ сўзи” газетаси. 2022 йил 5 апрель. – 1,3 бетларда.
4. Ғуломов Саидахор, Пардаев Мамаюнус. Инновацион тафаккур фаровон ва сифатли турмуш бардавонлиги кафолати. // “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2022 йил 3 ноябрь. – 1,3 бетларда.
5. Пардаев М.Қ. Иқтисодий стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. – 228 бет.
6. Пардаев М.Қ. Иқтисодийга оид атамаларнинг таърифлари. – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, – 148 бет.
7. Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодийети. Ўқув қўлланма. – Т.: “Iqtisod-moliya” 2014. – 384 б.

<p style="text-align: center;">С.Гулямов, М.Пардаев</p> <p style="text-align: center;">Формирование Третьего Ренессанса зависит от качества образования, качество образования от ответственности педагога</p> <p>Аннотация: в статье подробно рассмотрены роль качества образования в формировании Третьего Ренессанса, значение ответственности педагога в повышении качества образования и их взаимосвязь. В результате исследования были даны научно-практические рекомендации, состоящие из девяти пунктов, касающихся повышения качества образования для формирования Третьего Ренессанса.</p> <p>Ключевые слова: образование, образовательные услуги, качество образования, педагогическая ответственность, ренессанс, инновации, интеллектуальный потенциал, здоровый образ жизни, новое поколение.</p>	<p style="text-align: center;">S. Gulyamov, M. Pardaev</p> <p style="text-align: center;">The formation of the Third Renaissance depends on the quality of education, the quality of education on the responsibility of the teacher</p> <p>Abstract: The article deals in detail with the role of quality of education in the formation of the Third Renaissance, the importance of the teacher's responsibility in improving the quality of education and their interrelation. As a result of the study, scientific and practical recommendations consisting of nine points concerning the improvement of the quality of education for the formation of the Third Renaissance were given.</p> <p>Keywords: education, educational services, quality of education, pedagogical responsibility, renaissance, innovation, intellectual potential, healthy lifestyle, new generation.</p>
--	--

Зокир Сайфидинович Артиков – СамИСИ, Реал иқтисодий кафедраси доценти, Phd,
Дамир Улугбекович Хакимов – Самарқанд иқтисодий ва сервис институти талабаси

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ, ҲАЁТ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ НЕЪМАТЛАР, УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ, ТАСНИФИ ВА БАҲОЛАШ ЙЎЛЛАРИ

<p>Аннотация: Ушбу мақолада аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини таъминловчи неъматлар, уларнинг турлари, таснифи ва баҳолаш йўллари, улардаги муаммолар берилган бўлиб, аҳолининг тўлиқ маънодаги фаровонлигини таъминлашга қаратилган аниқ таклифлар, илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.</p> <p>Калит сўзлар: фаровонлик, ижтимоий фаровонлик неъмат, эҳтиёж, моддий неъматлар, Номоддий неъматлар, товар, хизмат, ишлаб чиқариш, аҳоли талаби, аҳоли даромади.</p>
--

Кириш. Жаҳонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида аҳоли фаровонлиги, турмуш даражаси ва сифатини ошириш пировард мақсад бўлиб ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришишда мамлакатлар савдо хизматининг ролини ошириш муҳим омил бўлиб, бу борада жаҳон миқёсида савдо соҳасини янада ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, ички ва ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришини инобатга олган ҳолда товарларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бугунги кунда жаҳон савдо соҳасининг ривожланиши электрон

тижорат даражасига қадар кўтарилиб, «электрон тижоратнинг кўлами 2,8 трлн. АҚШ доллари ва ўсиш суръатлари 20-25 фоизни ташкил этмоқда»¹. Бу кўрсаткичлар жаҳон миқёсида савдо хизматларининг такомиллашатида далолат бериб, ўз навбатида, аҳоли фаровонлиги, турмуш даражаси ва сифатини оширишга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг учинчи, **Миллий иқтисодий таъминлаш жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш**² йўналишида ҳам келгуси беш йилда иқтисодий таъминлашни назарда tutувчи **16 та мақсад** белгиланган. Шунингдек, **“21-мақсади”** иқтисодий тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни — 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларида ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш. Давлат қарзини бошқаришда йилига янги жалб қилинган ташқи қарз миқдори 4,5 миллиард АҚШ долларида ошиб кетмаслигини таъминлаш» вазифалари белгиланган.

Ушбу мақсадларнинг амалга оширилиши натижасида, иқтисодий тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни – **1,6 баравар** ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни **4 минг АҚШ долларида** ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин яратилади.

Шу ҳолатларни инобатга олган ҳолда буларнинг барчаси аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган бўлиб, шу жиҳатдан савдо соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда, ушбу мавзунинг ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Савдо хизматлари самарадорлигини ошириш ва аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масалалари хорижлик олимлар А.И.Брестский, М.А.Вахрушина, А.М.Гремонков, Г.Н.Кабушинская, А.М.Гремонков, С.М.Левко, Kassv Kubayo Seko, Sang Nyu Kim, Уест Лафайетт, И.Д.Михалаки, Г.Н.Кабушинская, О.М.Петрушина кабиларнинг [2] илмий ишларида ўз аксини топган. Шунингдек, М.Қ.Пардаев[5], К.Б.Уразов, М.М.Муҳаммедов, Ғ.Ҳ.Қудратов[3], Қ.Ж.Мирзаев, И.С.Тухлиев, Б.А.Абдукаримов[4], Н.У.Арабов, И.С.Очилов, Н.А.Комилова, Ж.Р.Урақов, Б.Ш.Сафаров, Ю.П.Ўринбаева[6], Ш.А.Султонов кабиларнинг илмий изланишларида хизматларнинг умумий масалалари, сотиш хизматлари самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар кўтарилган. Ушбу масала иқтисодий адабиётларда жуда кам ёритилган. Бу борада М.Қ.Пардаев ва М.О.Мамаюновнинг тадқиқотлари[12] диққатга сазовордир. Аммо бошқа адабиётларда айнан савдо соҳасининг аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати билан боғлиқлиги ва уларни ифодаловчи кўрсаткичлар кам ёритилган. Шу туфайли ушбу масала мазкур тадқиқотнинг асосий негизини ташкил қилади.

Тадқиқот методологияси. Рақамли иқтисодий шароитида савдо хизматини такомиллаштириш орқали аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш йўналишларини ўрганишни белгилаш, таҳлил ва синтез, тизимли таҳлил, кузатув-анкеталаш усуллари билан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар аҳолининг тўлиқ маънодаги фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Бунда аҳоли эркин яшаши учун тегишли неъматлар билан тўлиқ таъминланган бўлиши лозим. Шу туфайли, фаровонликни тадқиқ қилишдан олдин унинг асосини ташкил қилувчи неъматларни қараб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб топдик. Инсон ўз эҳтиёжига етарли даражада неъматлар (уй-жой, озиқ-овқат, хотиржам ҳаёт, тинч мамлакат, адолатли жамият ва ҳ.к.лар) билан таъминланган бўлса, бундай инсон ўзини фаровон яшаётган ҳисоблайди. Буларнинг ҳаммаси неъмат деган категория билан ифодаланади. Шу туфайли ушбу тушунчанинг таърифини келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки ушбу анъанавий атама жуда

¹ We ARE Social халқаро агентлигининг йиллик ҳисоботи. <http://wearesocial.com/global-digital-report-2019>.

² <https://lex.uz/docs/5841063?ONDATE2=29.01.2022&action=compare>

кўп ишлатилишига қарамасдан, унинг мукамал таърифи етарли даражада ишлаб чиқилмаганлигига ҳам гувоҳ бўлдик.

Неъмат деганда, якка ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган товарлар, хизматлар ва инсонга берилган қобилият, малака, билим даражаси кабилар мажмуи тушунилади.

Неъматларнинг турлари икки хил бўлади: моддий ва номоддий. Буларни қуйидагича ифодалаш мумкин (1-расм).



1-расм. Жами неъматларнинг турлари¹


Ушбу неъматларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Моддий неъматлар инсонларнинг жисмоний эҳтиёжини қондирса, номоддий неъматлар, маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Булар қуйидагича изоҳланади (1-жадвал).

1-жадвал

Моддий ва номоддий неъматларнинг тавсифи

Неъматларнинг номи	Неъматларнинг тавсифи
Моддий неъматлар	Моддий неъматларга кўзга кўринадиган, нарсалар шаклида бўлиб, ундан бугун ва келажакда фойдаланиш мумкин бўлган неъматлар киради. Булар ер, сув, ҳаво, иқлим, қазилма бойликлар, иқтисодий соҳасида етиштириладиган товар ва маҳсулотлардан иборат.
Номоддий неъматлар	Номоддий неъматларга, ушлаб бўлмайдиган, аммо моддий неъмат яратишда фаол иштирок этадиган кўзга кўринмайдиган неъматлар киради. Бунга инсоннинг қобилияти, малакаси, билим даражаси кабилар киради.

Ҳар бир неъмат ўз навбатида бир қанча элементлардан ташкил топади. Масалан, номоддий неъмат ҳам иккига бўлинади: ички неъмат ва ташқи неъматларга. Уларнинг боғлиқлигини қуйидагича ифодалаш мумкин (2-расм).




2-расм. Номоддий неъматларнинг турлари²

Қайд этиш жоизки, мазкур расмда номоддий неъматларнинг ички ва ташқи неъматларга бўлиниши маълум маънода шартли равишда олинган. Чунки номоддий неъматларнинг мавжудлиги хусусида тегишли ҳужжатлар ҳам бўлиши мумкинки, улар номоддий неъматларнинг моддий ифодаси сифатида намоён бўлади. Неъматлар турли кўринишда ва шаклда намоён бўлганлиги туфайли уни бир қанча белгилари бўйича таснифлаш лозим бўлади. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, неъматлар қуйидаги тўртта белгиси бўйича таснифланади: истеъмол қилиниши бўйича, натурал кўриниши бўйича, фойдаланиш даври бўйича ва бир-бирини алмаштириш даражаси бўйича. Бу қуйидаги чизмада ўз аксини топган (3-расм).

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.




3-расм. Барча неъматларнинг таснифланиш белгилари¹

Расмда ифода этилганидек, барча неъматлар тўртта белгиси бўйича таснифланар экан. Уларнинг моҳиятини чуқур англаш учун ҳар бирини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Чунки, инсонлар фойдаланаётган неъматларнинг ҳаммаси унинг ҳаёти учун муҳимдир. Уларнинг қайсидир бир қисмини аҳамиятсиз ёки қайсидир бир қисмини жуда аҳамиятли, деб бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси маълум маънода яшашнинг ҳамма қирраларини таъминлаб туради.

Истеъмол қилиниши бўйича неъматлар иккига бўлинади: шахсий истеъмол ва жамоавий истеъмол. Неъматларнинг истеъмол қилиш даражаси бўйича таснифланганда, энг аввало шахсий истеъмолга мўлжалланган неъматларни кўришимиз мумкин. Бунга битта шахс томонидан истеъмол қиладиган овқатлар, шахсий кийим-кечаклар кабилар киради. Жамоавий неъматларга оилавий мулк шаклидаги уйлар, бошқа оилавий буюмлар (идиш-товоқ, дастурхон, жавонлар ва ҳ.к.), шунингдек, меҳнат жамоасида фойдаланиладиган турли буюм ва ашёлар (стол-стуллар, кутубхона фондидаги китоблар, корхона жойлашган бинолар ва ҳ.к.) ҳам жамоавий неъматларга киради. Инсоннинг яшаши ва фаолияти учун шу икки турдаги неъмат ҳам зарур ва муҳимдир.

Неъматлар натурал кўриниши бўйича ҳам иккига бўлинади: буюм маҳсулот шаклида ва ахборот шаклида. Бу қуйидаги расмда келтирилган (4-расм).



4-расм. Неъматларнинг натурал кўриниши бўйича таснифи²

Неъматларни натурал кўриниши бўйича таснифлаганда, уларнинг бир қисми буюм, яъни маҳсулот шаклида намоян бўлади. Булардан бевосита ишлатишда, кийинишда, яшашнинг бошқа ҳолатларида фойдаланиш мумкин. Буларга кийим-кечак, машина, уй-жой кабилар киради. Аммо бир қисми ахборот шаклида намоян бўлади. Булардан асосан бирор нарса, ҳодиса ва жараёнлар тўғрисида хулоса қилиш учун фойдаланилади. Масалан, уйнинг ҳажми, ноннинг сони, ғалланинг оғирлиги (ҳажми), китоблар сони, юкнинг оғирлиги кабилар. Булар ҳам инсон ҳаётида унинг маълум йўналишларини тартибга солиш ва фойдаланиш учун қулайлаштириш учун фойдаланилади. Жумладан юкнинг оғирлигига қараб, юклайдиган одам сони, ташийдиган транспортнинг тури кабиларни аниқлаш мумкин.

Неъматлар фойдаланиш даври бўйича ҳам иккига бўлинади: қисқа муддатли ва узок муддатли. Буларнинг боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (5-расм).

Расмда келтирилган неъматларнинг фойдаланиш даври бўйича таснифига назар ташланса, уларнинг бир қисми қисқа муддатли бўлиб, маълум вақт оралиғида фойдалани-

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



5-расм. Неъматларнинг фойдаланиш даври бўйича таснифи¹

лади. Агар бир кунни оладиган бўлсак, шу жорий кунда фойдаланиладиган бўлса, улар қисқа муддатли неъматларга киради. Агар уларнинг фойдаланиши бир ой, бир йил бўладиган бўлса ҳам шу даврда истеъмол қилиниши лозим. Муддати ўтгандан кейин бундай неъматлар яроқсиз ҳолатга келиб қолади. Узоқ муддатли фойдаланиладиган неъматларнинг яроқлилиқ ва ишлатиш даври узоқ муддатга, яъни бир йилдан ортиқ ва яроқлилиқ муддати белгиланмаган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлган неъматлар киради. Масалан, уй-жойлар, машиналар каби ашёлар бунга мисол бўла олади.

Неъматларни бир-бирини алмаштириш даражаси бўйича ҳам иккига бўлинади: алмаштириладиган ва тўлдирадиган. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйида келтирилган (6-расм).



6-расм. Неъматларнинг алмаштириш даражаси бўйича таснифи²

Неъматларнинг таснифига алмаштириш даражаси бўйича қарайдиган бўлсак, энг аввало, алмаштириладиган неъматларни кўришимиз мумкин. Буларга агар бирор неъмат етарли бўлмаса, бошқасини худди шу мақсад учун алмаштириб истеъмол қилиш мумкин бўлган неъматлар киради. Масалан, суюқ овқатдан қарам шўрва ичмоқчисиз, аммо у вақтинча бўлмаса, ўрнига шўрва истеъмол қилиш мумкин. Ёки қишда совуқдан сақланиш учун палто кийиш керак, аммо сизда бори тўн бўлса, уни ҳам бемалол алмаштириб кийиб, совуқдан сақланиш мумкин бўлади. Тўлдирадиган неъматларга бир-бирини алмаштиришдан кўра, қўшиб ишлатса истеъмолга яроқлилиқ даражаси ошадиган неъматлар киради. Масалан, машинангиз ҳаётий эҳтиёжни қондиришга мўлжалланган энг зарур неъматлардан бири. Аммо унинг юриши учун бензин қуйиш керак. Ёки шунинг ўзига аккумулятор қўймасангиз ҳам шу машина ҳаракатга келмайди. Кўришиб турибдики, тўлдириладиган неъматлар ҳам улардан фойдаланиш учун муҳим аҳамиятга эга экан.

Фаровонлик барча неъматларнинг етарлилиги билан ўлчанади. Юқорида келтирилган неъматлар мамлакат миқёсида яратилади. Аммо улар аҳолига тенг тақсимланмайди. Ҳар бир киши меҳнатига яраша маблағ олади ва маблағига яраша неъматлардан сотиб олади ва истеъмол қилади. Шу туфайли, фаровонликнинг даражаси ҳар бир кишида ҳар хил бўлади. Бу уларнинг ўз маблағларига харид қилиш қобилиятига боғлиқ. Аҳолининг харид қилиш қобилияти ҳар бирининг реал даромадига боғлиқ.

Хулоса ва таклифлар. Аҳолининг фаровонлигини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади. Биринчидан, товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни аҳолининг талабига мос ҳолда тизимли равишда ошириб боришга эришиш лозим. Товар ва хизматларнинг умумий ҳажми ва уларнинг таркибий тузилишлари ҳам асосан аҳолининг таклифга мос бўлишлигини тақозо қилади. Акс ҳолда битта маҳсулотдан кўп бўлиб, иккинчисидан етишмай турса, бу иқтисодий жиҳатдан ишлаб чиқарувчига катта зарар, иккинчидан аҳоли ҳам тегишли тарзда зарар кўради. Чунки, маблағи бўла туриб, тегишли неъматларни харид қилиш имконияти чекланган бўлади.

Иккинчидан, ҳар бир кишининг олган даромадини муттасил ошириб боришни тақозо қилади. Бунда асосий эътиборни бюджет ташкилотларида ишлайдиган шахсларга

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки, уларнинг яшаши ва даромадларининг асосий манбаи иш ҳақидан иборат бўлади. Ҳозирги пайтда аҳолининг аксарият қисми тадбиркорлик билан шуғулланади, улар ҳам нафақат истеъмоли учун, балки тадбиркорлигини юргизиш учун ҳам товар ва хизматлардан фойдаланишига тўғри келади. Шу туфайли аҳолининг оладиган даромадларини муттасил ошириб боришига эришиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, товар ва хизматларнинг чакана баҳосининг ҳам кескин ошиб боришининг олди олиниши учун эркин рақобат муҳитини яратиш лозимлигини тақозо қилади. Рақобат бор жойда баланд нарх билан муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шу туфайли маҳсулот сифатини муттасил ошириб бориш билан бирга, унинг нархини ҳам пасайтириб боришни тақозо қилади.

Тўртинчидан, мамлакатимизда аҳолидан олинадиган даромад, мол-мулк, ер солиғи ва бошқа мажбурий тўловларни камайтириш, ҳеч бўлмаганда ошириб бориш амалиётини қўлламаслик ҳам фаровонликни таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир. Ушбу сумманинг ошиб бориш масаласи ҳам ойлик маош ва бошқа даромадлар даражасидан ошириб юбормасликни талаб қилади.

Бешинчидан, солиқларнинг даражаси каби, инфляция даражаси ҳам барқарор бўлишликни талаб қилади. Чунки, инфляция қанча тез ўсиб борса, аҳолининг ижтимоий аҳволи ёмонлашиб бориши билан бирга мамлакатимиз иқтисодиётида ҳам реал юксалиш рўй бермайди. Нархнинг ошганлиги эвазига ошириб бажарилган ҳажм кўрсаткичлари аҳолининг фаровонлигини таъминлаши қийин. Масалан, аҳоли 2,0 %га ўсган бўлса, нон ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, баҳонинг ошганлиги ҳисобидан 2,2 %ни ташкил қилса, аммо олдинги йил даражасида натурал ҳажмда нон ишлаб чиқарилган бўлса, табиийки, ўтган йилга нисбатан аҳолининг жон бошига тўғри келадиган ишлаб чиқарилган нон миқдори камайган бўлади. Бу фаровонликни белгилаб бермайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”
2. Dissertations.ru., <http://www.dissertcat.com>, <http://www.dissertcat.com>, [dlin.rsl.ru/Coaderview](http://www.dlin.rsl.ru/Coaderview)., <http://pscgospace/cgiav/org>., <http://setd.ohiolink.edu>., Как торговаться на восточном базаре. / Авт. – сост. А.И.Брестский. М.: АСТ; Мн.: Харвест, 2006. – 96 с., Бухгалтерский учет в сфере услуг. Учебник. М.А.Вахрушина, Т.П.Карпова, А.М.Петров и др.- М.: Рид Групп, 2011. – 576 с.,<http://setd.ohiolink.edu>., <http://www.dissertcat.com>
3. Қудратов Ғ.Ҳ., Абдукаримов Б.А., Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти, 2016. – 508 бет,
4. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. 2-нашр.– Т.: ”ИQTISOD-MOLIYA”, 2010. – 384 б., 3.Абдукаримов Б.А., Комилова Н.А., Абдукаримов Ф.Б. Актуальные вопросы развития торговли в Узбекистане. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2010. – 96 б.,
5. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2011. – 172 б.,
6. Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Очилов И.С. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”, 2014. – 384 б.,
7. Абдурахмонов Х.Х., Арабов Н.У., Холмухамедов М.М. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифати. Ўқув қўлланма. Т.: “Тафаккур бўстони”. 2014. 242 б.,
8. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётининг айрим муаммолари. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014. – 264 бет.,
9. Ураков Ж.Р. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2013. – 127 бет.,
10. Ўринбаева Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография. – Т.: “Фан” нашриёти, 2013. – 144 бет.,
11. Султонов Ш.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: худудий муаммолар ва ечимлар. Монография. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2013. – 7-19-бетлар.
12. Пардаев М.Қ., Мамаюнусова М.О. Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни аниқланиш ва таҳлил қилиш йўллари. //Иқтисодиётнинг реал сектори самарадорлигини оширишда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш масалалари. Республика ИАК материаллари. (2015 йил 10 апрель). – Т.: 2015. – 274-277-бетлар.

<p>З. Артиков, Д. Хакимов</p> <p>Блага, обеспечивающие благосостояние населения, уровень и качество жизни, их виды, классификация и методы оценки</p> <p>Аннотация: В данной статье приведены блага, обеспечивающие благополучие, уровень и качество жизни населения, их виды, методы классификации и оценки, проблемы в них, конкретные предложения и научные рекомендации, направленные на обеспечение благосостояния населения в полном смысле.</p> <p>Ключевые слова: благополучие, социальное самочувствие, благо, потребность, материальные блага, нематериальные блага, товары, услуги, производство, спрос населения, доходы населения.</p>	<p>Z. Artikov, D. Khakimov</p> <p>Wealth ensuring populations well-being, standard and quality of living, their types, classification and evaluation methods</p> <p>Abstract: In this article, the wealth that ensure the well-being, level and quality of life of the population, their types, classification and evaluation methods, problems in them are given, specific proposals and scientific recommendations aimed at ensuring the well-being of the population in the full sense.</p> <p>Keywords: well-being, social well-being, wealth, need, material goods, Intangible goods, goods, services, production, population demand, population income.</p>
---	---

Зариф Юсупович Аминов – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси
доценти в.б, и.ф.н.

ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

<p>Аннотация: мақолада инсон хавфсизлиги тушунчаси ва унинг турлари, айниқса инсон тараққиёти концепцияси ҳамда инсон тараққиёти учун салбий бўлган оқибатлар тенденциялари ёритиб берилган.</p> <p>Калит сузлар: Инсон хавфсизлиги, инсоннинг иқтисодий хавфсизлиги, инсоннинг ижтимоий-маънавий хавфсизлиги, инсон тараққиёти, ҳаёт сифати.</p>

Кириш. Инсон хавфсизлиги икки йирик гуруҳга бўлинади: инсоннинг иқтисодий хавфсизлиги ва инсоннинг ижтимоий-маънавий хавфсизлиги. Инсон иқтисодий хавфсизлигининг белгиларидан бири, унинг фаровонлиги билан белгиланади. Инсон фаровонлиги муаммолари қадимги мутафаккирлар эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Бу мавзу нафақат иқтисодчилар, балки, файласуфлар, социологлар каби ижтимоий-гуманитар фанларнинг ва уларга бағишланган асарларнинг бош мавзуси бўлиб келган. Шу билан биргаликда, иқтисодий фанда шундай узоқ муддат давомида халқ фаровонлиги масалалари олдида, жамият ва инсоннинг ривожланиш муаммолари иккинчи даражали масала бўлиб қолган. Лекин XX асрда инсонга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Инсонга бўлган ёндашиш иқтисодий ўсишнинг муайян омили сифатида тан олинди. «Инсон омили» деган атама пайдо бўлди, у иқтисодий ривожланишнинг ҳал қилувчи воситаси сифатида қабул қилинди. Фақатгина XX асрнинг охирида инсон фаровонлиги ва ривожланиши муаммоларида бурилиш ясалди.

Инсоннинг иқтисодий мақсадлари тизимида унинг иқтисодий хавфсизлиги ҳам муҳим ўрин тутади. Бу тизимда инсон ривожланиши – унинг хавфсизлигининг асосий мезони сифатида тан олинди.

XXI асрнинг эътиборли жиҳатларидан бири, инсонларнинг ижтимоий қарама-қаршиликлари тадқиқ қилишда бурилиш кузатила бошланди. Шу билан биргаликда иқтисодий назариянинг анъанавий ёндашувлари асосида жамиятдаги кўп муаммоларни ҳал этиш мумкин эмаслиги ҳам тан олинди.

Иқтисодий фикрнинг институционал-ижтимоий йўналишларининг кескин ривожланиши ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнларни тадқиқот қилишда институционал-услубий ёндашиш жараёнларнинг кенгайтирилиши рўй берди. Иқтисодий ўсишни таъминлашда инсон ролининг ўзгариши, иқтисодий фанга социология таъсирини кучайиши кузатилди. Натижада фанлар кесимида жуда кўп янги фанлар ҳам вужудга келди.

Шундай қилиб, XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида инсон ролини янгича талқин қилувчи янги назариялар пайдо бўлиб, уларнинг асосий ғояси инсон-иқтисодий

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023